Ушбу сонда:

Ҳуқуқбузарлар жаримага тортилди
Ушбу етти нафар фуқаронинг тўрттаси мансабдор шахс эканлиги ачинарли ҳолдир... 3

ТV ДАСТУРЛАР 5-6

Тошпўлат МАТКАРИМОВ: Замон билан ҳамнафас яшаш керак 8





ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 27-may, 21 (662)-son Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25-27 май кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.***

***Ташриф давомида Ислом Каримов ва Ху Цзинтао ўзаро Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги кўплаб соҳаларда алоқаларни янада ривожлантиришни кўзда тутувчи ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.***

♦ *"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил комиссиясини тузиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қарори эълон қилинди.*

♦ ***Чирчиқ шаҳрида 24 май куни "Баркамол авлод" спорт ўйинлари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.***

♦ *Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида "Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш ишининг аҳволи" мавзуида семинар бўлиб ўтди.*


OBUNA — 2005

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

Газетамизга 2005 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна **10 июнгача** давом этишини маълум қиламиз.

"Xabar"га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичлари:
*Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.*
*Ташкилотлар учун — 228.*


HAY'AT YIG'ILISHIDA

# Муҳокамада алоқа транспорт тармоқлари

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди. Мажлисда қатор масалалар кўриб чиқилди.***

**Йиғилишда** "Ўзбектелеком" АК алоқа транспорт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминланиши тўғрисида" компания бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, 1995 йилда "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача реконструкция қилиш ва ривожлантиришнинг Миллий дастури" ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастурга асосан маҳаллий, магистрал ва халқаро тармоқларни 100 фоиз рақамлаштириш ҳамда чет давлатлар стандартларига жавоб бера оладиган қурилмаларни ўрнатиш белгиланган. 1997 йилда Транс-Осиё-Европа халқаро оптик-толали алоқа линияси (ОТАЛ)нинг Ўзбекистон Республикасидаги қисми қурилиши тугалланиб, эксплуатацияга топширилди. 1999 йили OECF лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат гранти асосида Бухоро-Нукус, Тошкент-Ангрен ОТАЛ ва Тошкент-Ангрен-Фарғона водийси, Самарқанд-Қарши-Термиз рақамли РРЛлари ишга туширилди.

Миллий дастурнинг бажарилишини таъминлаш учун "Ўзбектелеком" АК телекоммуникациялар тармоғида 1996 йилдан то ҳозирги кунгача OECF, EDCF, JBIC ва бошқа лойиҳалар доирасида 2244 км (ОТАЛ) зона ичи, 2548 км (ОТАЛ) ва 2065 км (РРЛ) магистрал алоқа линиялари фойдаланишга топширилди. Бугунга келиб республика миқёсида магистрал ва зона ичи алоқа линиялари 77 фоизга рақамлаштирилган. JBICнинг қўшимча лойиҳасида эса бу кўрсаткич 2006-2007 йилларда 90 фоизни ташкил қилиши белгиланган.


*(Давоми 2-бетда.)*


# Техника кашфиётларидаги «тузоқ»лар



***Инсон ҳаётини енгиллаштириш, қўшимча имкониятлар яратиш учун хизмат қиладиган техника кашфиётлари фойдаланувчига маълум даражада хавф соладиган салбий тарафларга ҳам эга. Бундан ҳозирги замонавий симсиз алоқа қурилмалари ҳам мустасно эмас. Тўғри, улар бизга хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойда алоқа ўрнатиш имконини бериб, катта қулайликлар яратмоқда. Лекин бу "техника мўъжизалари" ўзида хавфли "тузоқ"ларни беркитиши ва қачондир сизга панд бериб қолиши мумкинлигини ҳам билиб қўйиш зарар қилмайди. Симсиз алоқа қурилмалари билан боғлиқ муаммоларни яхшироқ тушуниб олиш учун эса шу алоқа қурилмалари нималардан ташкил топганлиги ва қай тартибда ишлашини кўриб чиқамиз.***

**Замонавий** симсиз алоқа қурилмаларига уяли алоқа телефон аппаратлари, пейжерлар ва симсиз стационар радиотелефонлар киради. Умуман олганда, мобил телефон аппарати мураккаб миниатюрали қабул қилувчи-узатувчи радиостанциядир. Ҳар бир уяли алоқа телефон аппарати ишлаб чиқарилганда микрочипига электрон серияли рақам (ESN) кодлаштирилади ва ишлаб чиқарувчилар томонидан унга хизмат кўрсатувчи мутахассисларга маълум қилинади. Аппарат уяли алоқа тизимига уланганида шу алоқа хизматини ташкил этувчилар (уяли компаниялар) томонидан телефон микрочипига яна қўшимча мобил идентификация рақами (MIN) киритилади.

Мобил телефон аппарати жуда кенг, баъзида эса чекланмаган таъсир доирасига эга бўлади. Уяли тизим хизмат кўрсатувчи бутун ҳудуд бир-бирига қўшни бўлган алоқа ҳудудларига ёки "уяча"ларга бўлинади. Ҳар бир ҳудуддаги телефон алмашинувлари кўп сонли радиочастоталарда сигналларни узатиб-қабул қила оладиган базавий станциялар орқали бошқарилади. Бундан ташқари, ушбу базавий станция оддий симли телефон тармоғига уланган бўлиб, унда юқори частотали уяли телефондан келувчи сигнални симли телефон паст частотали сигналларга айлантириб берувчи қурилмалардан фойдаланилади. Бунда икки тизимнинг алоқаси ташкил қилинади. Базавий станция даврий равишда хизмат сигналини тарқатади. Хизмат сигналини қабул қилган телефон унга автоматик равишда ўзининг MIN ва ESNни қўшади ва ҳосил бўлган код комбинациясини базавий станцияга узатади. Натижада уяли телефон аппаратининг идентификацияси (аниқланиши) амалга оширилади, аппарат эгасининг ҳисоб рақами ва абонент айни пайтда қайси ҳудудда эканлиги аниқланади.


*(Давоми 3-бетда.)*



uzpak
Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

(Давоми.Бошланиши 1-бетда.)

HAY'AT YIG'ILISHIDA

# Муҳокамада алоқа транспорт тармоқлари

Жойларда қурилмаларни узлуксиз электр манбаи билан таъминлашда бир қатор қийинчиликлар туғилмоқда. Электр энергиясини тез-тез ва узоқ муддатларга ўчириб қўйиш ёки электр қувватининг ошиб кетиши қурилмаларнинг айрим қисмлари ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ўғирликлар туфайли магистрал ва зона ичи алоқа тармоқларида кўп тўхташ ҳамда узилишлар содир этилмоқда. Маърузада яна бошқа масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

"2005 йилнинг биринчи чорак натижалари бўйича Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг иқтисодий ҳолати тўғрисида" Марказ директори М.Отамуҳамедовнинг маърузаси тингланди. Маълумки, марказнинг иқтисодий ҳолати Агентликнинг ҳайъат мажлисида атрофлича ўрганиб чиқилганди. Шунга асосан 2004 йил, 2 ноябрда Агентликнинг қарори, 16 ноябрда эса буйруғи қабул қилинганди. Мазкур буйруқ бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Корхонада юзага келган қарздорликни қоплаш мақсадида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасидан 250 млн. сўм миқдорида бегараз ёрдам олинди. Марказнинг иқтисодий ҳолати бўйича аудит текшируви ўтказилди.

Шунингдек, маърузачи вилоятлар радиотелевидение узатиш марказларининг иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида вилоятлар ҳокимликларига маҳаллий соликдан озод қилиш ҳақида қилинган мурожаатга Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидан ижобий жавоб олинганлигини, корхона жорий йилнинг биринчи чорагини 31,5 млн. сўм миқдоридаги молиявий зарар билан якунлаганлиги ва ушбу ҳолат иқтисодий-молиявий таҳлил қилиниб, зарур чоралар кўришга ҳаракат қилинаётганлигини айтиб ўтди.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 24 ноябрдаги "Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ҳақида" Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази директори А.Зарипов маъруза қилди. Маърузада айтилишича, ушбу қарорни ҳамда Агентликнинг буйруғини бажариш мақсадида марказ тегишли давлат органларидан рўйхатдан ўтказилди. Ҳукумат телефон алоқаси ва шаҳар телефонлари билан таъминланди. Марказ фаолиятини такомиллаштириш, мониторинг тизимини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар базасини яратиш ва улардан амалда фойдаланиш учун бўлимларнинг вақтинчалик Низомлари ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, минтақавий бўлинмалар намунавий Низомлари ишлаб чиқилди.

Республикада нашр этилаётган 793та газета ва журнал ҳамда бошқа китоб ва матбаа маҳсулотларини электрон кўринишда тўплаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва тезкор мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш учун хориж тажрибаси ўрганилиб, автоматлаштирилган тизимнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда теледастурлар мониторинг тизимини такомиллаштириш мақсадида Тошкент ва Нукус шаҳарларида телевидение ва радиодастурларини ёзиш, архивлаштириш ускуналари ўрнатилди.

Интернет тармоғида урду, ҳинд, инглиз ва рус тилларида тарқатилаётган материаллар, китоб-матбаа маҳсулотлари ҳамда телерадиодастурларнинг доимий мониторинги ташкил этилди. Кабел телевидениелари фаолиятини лицензия шартларига ўзгартириш киритган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш ҳақида" "ALSKOM" қўшма суғурта компанияси бош директори Т.Иминов маърузаси тингланди. Ўзбекистон ахборот-коммуникация тизимининг юқори суръатлар билан ривожланиб боришида унга хизмат кўрсатувчи ички инфратузилма алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур инфратузилманинг муҳим бўғини бу соҳа хусусиятига хос бўлган қалтисликлардан суғурталаш тизимидир. Бу тизим соҳа корхона ва ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларга турли тасодиф ва бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилаётган зиёнларни тез ва самарали қоплаш ҳамда тизимда қўшимча инвестициявий ресурслар яратиш имконини беради. Шу мақсадда 1996 йилда ахборот коммуникация соҳасига ихтисослашган "ALSKOM" қўшма суғурта компанияси ташкил этилган.

Соҳа бошқаруви томонидан тизимда суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида қатор қарор ва буйруқлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда суғурта компанияси 26та суғурта тури бўйича ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. 2003 йил якунлари бўйича компания низом жамғармаси ва йиғилган суғурта бадалларининг ўсиш динамикаси мамлакат суғурта бозори рейтингида 3-ўринни эгаллади.

Хизматлар доирасини кенгайтириш мақсадида компания айни дамда республикада ахборот йўқотилиши, ўғирланиши, йўқ қилиниши, ўзгартирилиши, алоқа воситалари ҳамда техникавий дастурий воситаларнинг ишдан чиқиши, рухсатсиз тармоққа уланиш каби ахборот-коммуникация соҳасида пайдо бўладиган хавфлар билан боғлиқ янги суғурта дастурлари устида ишламоқда.

Афсуски, соҳа корхоналарининг кўплаб фаолият йўналишлари ҳамда алоқа объектлари тегишли суғурта ҳимояси билан таъминланмаган. Булар, энг аввало, қимматбаҳо ва махсус юк ҳамда почта жўнатмалари, уяли алоқа компанияларининг қимматбаҳо ускуналари, алоқа операторлари ва провайдерларнинг узатиш мосламалари ва бошқалардир. Шу боис ҳам бу борада тегишли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, йиғилишда Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборот технологиялари мутахассисликлари бўйича аспирантура очиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда ТАТУ ректори С.Қосимов маълумот берди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Иззат АҲМЕДОВ*

OROMGOHLAR MAVSUMGA SHAYMI?

# "Ёш алоқачилар"да иш қизғин

***Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Нанай қишлоғида "Ёш алоқачилар" оромгоҳи жойлашган. У ернинг тоза ҳавоси-ю шарқироқ сойлари, булоқлари ва дов-дарахтлари киши қалбига ўзгача ором бағишлайди.***

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳамда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг 2005 йил, 5 майда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлис қарорига мувофиқ ҳамда "Наманган Телеком" филиали маъмурияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг қўшма йиғилишида тегишли тадбирлар белгиланиши натижасида бу йилги мавсумга тайёргарлик ишлари ўтган йилга қараганда анча илгари бошланди. Ташкил этилган ишчи-гуруҳи оромгоҳ аҳволини чуқур ўрганиб муаммоларни вақтида бартараф этишга ҳаракат қилди.

"Наманган Телеком" филиали раҳбарияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказишга йилдан-йилга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Ўтган йили оромгоҳда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг юздан зиёд фарзанди дам олди. Жорий йилда эса 400 нафардан ортиқ болани соғломлаштириш кўзда тутилган.

Оромгоҳга бу йилги мавсум учун лозим бўлган барча анжомлар ва воситалар келтирилди. Ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги чораларини белгилаш, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, оромгоҳга малакали педагог-тарбиячиларни жалб этиш каби зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Маънавият хонаси қайта жиҳозланди.

Айни дамда электр тармоғини ва ундаги барча жиҳозларнинг бенуқсон ишлашини текшириш, дезинфекциялаш, ичимлик суви тармоғини хлор билан тозалаш, санитария текширувидан ўтказиш, тиббиёт хонасини етарли дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, бадиий ҳаваскорлик, театр ва концерт жамоалари билан ҳамкорликда тегишли репертуарлар ишлаб чиқилди, машҳур спортчилар, таниқли ёзувчи ва шоирлар ҳамда меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этиш белгилаб олинди.

Хуллас, "Ёш алоқачилар" оромгоҳида ёзги дам олишни ҳар томонлама намунали ташкил этиш бўйича барча керакли чора-тадбирлар кўрилган.

*Баҳодир БОЛТАБОЕВ*
*Наманган вилояти*

HAMKORLIK UFQLARI





# Университетга 95 миллион сўм

***Бир неча йилдирки, "Юнител" масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда юқори сифатли мобил алоқаси хизматларини кўрсатиб келмоқда. Компания ва унинг муассислари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўз тармоғи ҳудудини кенгайтириш мақсадида жорий йилда 30 миллион, келгуси уч йилда эса 120 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланиши режалаштирилган.***




**Айни пайтда** компанияда 300дан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 90га яқини унинг техник департаментида фаолият юритади. Олдиндаги қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун эса малакали мутахассислар сонини ошириш талаб этилади.

Яқинда "Юнител" масъулияти чекланган жамияти ва Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти ўзаро келишув имзолаш учун учрашдилар. Унда "Юнител" томонидан компания ижрочи директори Биллис Василис, компаниянинг Ахборот технологиялари ва тармоқни режалаштириш бошқармаси директори Бахтиёр Мўминов ва мутахассис Али Иноятовлар, ТАТУ томонидан эса ректор Содиқ Қосимов, проректор Холиқ Соатов ва декан Рифат Ибраимовлар иштирок этишди.

Йиғилишда Биллис Василис сўз олиб, компанияга малакали мутахассислар етказиб беришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган университет жамоасига ўз миннатдорчилигини изҳор қилди. ТАТУ ректори Содиқ Қосимов ҳам ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганидан мамнун эканлигини айтиб ўтди.

Компания вакиллари вилоятлардаги филиалларда малакали мутахассислар етишмаслигини ТАТУ битирувчилари ҳисобига қоплаш режалаштирилаётганлигини билдиришди. Келишувга кўра, "Юнител" масъулияти чекланган жамияти ТАТУга 95 000 000 сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатадиган бўлди ва учрашув якунида компания ижрочи директори университет ректорига рамзий чекни топширди. Шунингдек, келгусида компания томонидан университетнинг иқтидорли талабалари рағбатлантириб борилиши ҳақида ҳам келишиб олинди.

*Лутфилло ТУРСУНОВ*

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# Ҳуқуқбузарлар жаримага тортилди

***Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда шу қарор билан тасдиқланган "Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари ижросини таъминлаш Қашқадарё вилоятида қандай бажарилмоқда? Ушбу масалани ўрганиб чиқиш мақсадида 2005 йилнинг биринчи чорагида вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан қатор рейдлар ўтказилди***

**Жумладан,** ўн бора рейд уюштирилиб, улардан тўрттаси вилоят Электромагнит мослашув хизмати ва Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда олиб борилди. Натижада етти нафар фуқаронинг 25та радиоэлектрон воситадан ноқонуний фойдаланаётганлиги аниқланди ва улар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 152-моддаси, 1-қисми билан жавобгарликка тортилди. Улардан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридаги жарималар маҳаллий бюджет ҳисобига ундирилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ноқонуний фойдаланилган 25та радиоэлектрон воситадан 22таси кабел телевидениесини ноқонуний ташкил этган учта юридик ва битта жисмоний шахс томонидан ишлатилган. Икки ҳолатда радиоузатгичдан фойдаланган жисмоний шахслар ва бир ҳолатда эса радиоэлектрон воситаларини ноқонуний ишлатаётган юридик шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган. Ушбу етти нафар фуқаронинг тўрттаси мансабдор шахс эканлиги ачинарли ҳолдир. Масалан, Акциядорлик-тижорат "Тадбиркорбанк"нинг Муборак тумани бўлими бошлиғи Т.Норқулов "BADA" русумли радиотелефондан, Шаҳрисабз шаҳар кабел телевидениеси бошлиғи Ш.Жумаев, Муборак туман кабел телевидениеси бошлиғи Ф.Эргашев, Қашқадарё Радиотелевизион узатиш маркази бош муҳандиси Х.Сатторовлар эса кабел телевидениеси ташкил қилишда радиоэлектрон воситалардан рухсатномасиз фойдаланишган.

Суҳбатлар жараёнида маълум бўлдики, ҳуқуқбузарликлар асосан радиоэлектрон воситалардан фойдаланиб, даромад олиш мақсадида, шунингдек, радио орқали эфирга чиқишга қизиқиш ва қонунларни билмаслик оқибатида содир этилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят Электромагнит мослашув хизмати ходимлари билан биргаликда республикамизга юқори частотали қурилмалар ва радиоэлектрон воситаларни олиб кириш, сотиш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш қонун асосида тартибга солиниши ҳақида аҳолига тушунтириш бериш учун Қашқадарё телевидениеси орқали давра суҳбати ташкил қилинди.

Бундан кейин ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун кенг кўламда ишлар олиб бориш режалаштирилган.

***Қўқонжон ЁРОВ,***
***Қашқадарё вилояти***
***ДАИ бошлиғи***

# Техника кашфиётларидаги «тузоқ»лар

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)**

Фойдаланувчи телефонни ишлатганда унга ўша ҳудуд базавий станцияси алоҳида бўш частотани ажратади ва ҳисоб рақамига мос ўзгартиришларни киритади ҳамда унинг чақириғини белгиланиш бўйича узатади. Агар мобил фойдаланувчи сўзлашув вақтида ҳаракатланиб бир ҳудуддан бошқасига ўтса, тарк этилаётган базавий станция автоматик равишда янги ҳудуднинг бўш частотасига сигнални ўтказади ва алоқа давом эттирилади.

**Пейжер** — бу хабарларни ҳарфлар кўринишида, рақамли ёки аралаш ҳолда кўрсатувчи, асосан 100-400 МГц частотада ишловчи мобил радиоприёмникдир. Пейжинг алоқа тизими телефон абонентидан ахборотни қабул қилиб олади ва уни керакли шаклда кодлаштириб, чақирилаётган пейжер абонентига узатади.

**Стационар симсиз радиотелефон** тармоққа уланган оддий симли стационар телефон блоки ва унинг гўшаги кўринишидаги икки томонлама сигналлар алмашинувини таъминловчи радиоқурилмадир. Радиотелефоннинг гўшак ва стационар блок орасидаги алоқа кенглиги ҳалақитларни, қайта акслантирувчи сиртларни ҳисобга олганда ўртача 50 метрни ташкил қилади.

Уяли телефондан ва бошқа мобил симсиз алоқа қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик муаммоси қуйидагича: фойдаланувчининг жисмоний хавфсизлиги ва шу қурилмалардан фойдаланиб узатиладиган ахборот хавфсизлиги. Шуни айтиш керакки, жисмоний хавфни фақат уяли телефон аппарати ҳосил қилади. Пейжер ва стационар радиотелефон аппарати кучсиз нурлатувчи қурилмалар ҳисобланиб, уларда уяли алоқа телефонига нисбатан нурланиш хавфи жуда кам.

## Ахборотни муҳофазалаш муаммолари

Биз кўп бора уяли алоқа компанияларининг "Ишончли алоқа — арзон нархларда" каби рекламаларига дуч келамиз. Келинг, таҳлил қилиб кўрайлик. Ҳақиқатан мобил алоқа шунчалик ишончлими? Техник нуқтаи назардан ишончли бўлиши мумкин. Узатиладиган ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан-чи?

Ҳозирги кунда уяли ёки симсиз радиотелефон орқали олиб бориладиган сўзлашувларни тутиш оддий ҳол бўлиб қолди. Мисол учун статистик маълумотларга кўра, Канадада уяли телефон сўзлашувларининг 20дан 80 фоизигача тасодифан ёки атайин бегона шахслар томонидан эшитилар экан.

Уяли алоқани электрон тутиш нафақат осон, балки бу ишни амалга ошириш учун зарур бўлган қурилмалар ҳам унчалик катта маблағ талаб қилмайди. Энг осони, ҳаракатда бўлмаган ёки стационар уяли телефонларни эшитишдир. Мобил телефон аппаратини тутиш қийинроқ, чунки сўзлашув жараёнида абонент ҳаракати кувватнинг камайишига олиб келади ва бир ҳудуддан бошқасига ўтганда ишлатаётган частоталарни автоматик равишда ўзгартиради.

Ахборотни муҳофазалаш нуқтаи назаридан ахборотни рақамли кўринишида узатувчи рақамли уяли алоқа телефонлари ишончлидир. Лекин уларда ишлатилган шифрлаш алгоритми (Celluar Message Encryption Algorithm) ҳам тажрибали мутахассис томонидан шахсий компьютер ёрдамида бир неча дақиқада аниқланиши мумкин. Рақамли уяли телефон аппаратининг клавиатурасида терилган кодлардан телефон, кредит карточка рақамлари ёки шахсий идентификация рақамларини рақамли сканер ёрдамида ушлаб қолиш мумкин.

Симсиз радиотелефонларда ҳам ахборот хавфи катта. Чунки улар иккита радиочастотани ишлатади: бири стационар блокдан ахборотни телефон трубкасига узатиш учун, иккинчиси эса трубкадан телефон аппаратига узатиш учун ишлатилади. Иккита частота ишлатилганда, уни аниқлаш имконияти кенгаяди.

Радиотелефонни тутиш ўша частоталарда ишлаётган бошқа бир радиотелефон орқали амалга оширилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, "рақамли хавфсизлик коди" (digital security code) ва "сўниш даражаларининг камайиши" (interference reduction) сўзлашувни тутиш имкониятларини камайтирмайди. Улар фақат бу телефондан ноқонуний фойдаланишга ва қўшни радиотелефонларни бир вақтнинг ўзида чақиришга имкон бермайди. Ишлаш жараёнида 10дан 30тагача частоталарни автоматик тарзда алмаштириб турувчи рақамли радиотелефонлар сўзлашувини ушлаш қийинроқ. Лекин уларни ҳам радиосканер орқали тутиш мумкин.

Худди шундай узатилаётган ахборот хавфига пейжерлар ҳам эга. Пейжинг алоқа тизимидаги ахборотлар тутишга ҳаракат қилувчи шахслар ASC II, Baudot, CTCSS, POSCAG and GOLAY кодларини декодловчи қурилмалар, радиоприёмниклар ёки сканерлардан фойдаланади. Шундай дастурлар борки, шахсий компютер ва сканер ёрдамида автоматик тарзда керакли пейжер ишчи частотасини тутиш ёки пейжинг алоқа тизимидаги аниқ бир каналнинг ҳар бир ахборот алмашувини назорат қилиш мумкин. Бу дастурлар бир вақтнинг ўзида 5000тагача (баъзида ундан ҳам кўпроқ ) пейжерларни тутиш ва уларда узатилаётган ахборотларни сақлаш имкониятига эга.

## Симсиз алоқа қурилмаларида фирибгарлик

Уяли алоқа тизимларида фирибгарлик "клонлаш" номи билан ҳам юритилади. Бунда абонент ўзга шахсга тегишли телефон аппаратининг идентификация рақамини (албатта ҳисобини ҳам) ўз манфаатлари йўлида ишлатади. Тез ишловчи рақамли уяли технологияларнинг ривожланиши билан бир қаторда фирибгарлик турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Фирибгарлар сканерлар ёрдамида базавий станция сўровига жавоб бераётган телефоннинг идентификацияловчи сигналини тутишади, ундан MIN ва ESN рақамларини ажратиб олишади ва шу рақамлар билан ўзларининг уяли телефонлари микрочипларини қайта дастурлашади.



Натижада бу телефон аппаратидан қилинган ҳар бир қўнғироқ учун хизмат ҳақи базавий станция томонидан идентификация рақамлари ўғирланган абонент ҳисобига ёзилади.

Мисол учун, Ғарб мамлакатларида фирибгарлар асосан аэропортларда иш олиб боришади. Улар ўзгалар уяли телефонининг ESN рақамини клонлаштириб, ўғирланган рақам ҳисобидан дунёнинг хоҳлаган нуқталарига телефон сўзлашувларини амалга ошириб беришади.

## Ахборот эшитилишини чеклаш учун баъзи бир маслаҳатлар

***Ахборотни очишда қуйидаги умумтанланган огоҳлантириш чораларидан фойдаланинг:***

- конфиденциал ахборотни узатишдан қочинг ёки уни минимумга етказинг (кредит карточкалар рақамлари, паролнинг молиявий сўровлари каби). Бу мақсадларда ишончлироқ бўлган симли телефонлардан фойдаланинг. Бунда суҳбатдошингиз ҳам радиотелефон ишлатмаётган бўлиши керак. Иш юзасидан олиб бориладиган сўзлашувларда уяли ёки симсиз телефон аппаратларини ишлатманг;
- ҳаракатдаги автомобилдан амалга ошираётган сўзлашувни тутиш осон эмаслигини ёдда тутинг. Ўшанда сизнинг телефонингиз ва тутиб олувчи қурилма орасидаги масофа ортади ва сигнал кувват камаяди. Бундан ташқари, сиз маълум бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтасиз ва сиз ишлатаётган частота иккинчи ҳудуддаги базавий станциянинг бўш частотасига ўтказилгани боис узатаётган ахборотингизни тўлиқ тутиш имконияти бўлмайди. Янги частотани топиш учун эса маълум вақт керак бўлади;
- ахборот узатиш тезлиги катта ва сўзлашув давомида автоматик равишда ишлатилаётган частотасини алмаштириб турувчи алоқа тизимларидан фойдаланинг;
- имкони борича рақамли уяли телефонлардан фойдаланинг;
- агар сиз турган жойингизни кимгадир маълум бўлишини истамасангиз, телефон аппаратингизни бутунлай ўчириб қўйинг.

***Симсиз радиотелефон ишлатилган ҳолда:***

- уни сотиб олаётганингизда, у қандай ҳимояни кўзда тутишини аниқлаштиринг;
- имкони борича иш частоталарини автоматик равишда алмаштириб турадиган "spread spectrum" турида ёки 900 МГц частоталарда ишлайдиган рақамли аппаратлардан, шунингдек, микрочипи сигнални шифрловчи радиотелефондан фойдаланинг.

***Фирибгарликнинг олдини олиш учун:***

- ишлаб чиқарувчи фирмадан сизнинг телефон аппаратингизда фирибгарликка қарши қандай қурилмалар ўрнатилганини билинг;
- ESN рақамли ҳужжатларни ишончли жойда сақланг;
- ҳар ой синчковлик билан уяли алоқадан фойдаланиш ҳисоб рақамингизни текширинг;
- телефонингиз йўқолган ёки ўғирланган ҳолда дарҳол сизга хизмат қилувчи уяли алоқа компаниясини огоҳлантиринг;
- телефонни фойдаланиш зарурати бўлмагунча ўчирилган ҳолда тутинг;
- аппаратингизнинг MIN рақамини сизга хизмат кўрсатувчи компания орқали доимий равишда алмаштириб туринг;
- фойдаланаётган уяли алоқа компаниясидан сизнинг телефонингизга сўзлашув олдидан териладиган қўшимча тўрт хонали PIN код ўрнатиб беришларини сўранг. Бу код фирибгарлар имкониятини бирмунча чеклайди, чунки улар фақат MIN ва ESN рақамларига қизиқишади;
- фирибгарларга қарши энг фойдали усул — MIN ва ESN кодларини қонун бўйича шифрлаш (товуш сигналлари билан) ҳисобланади. Лекин бу усул қиммат ва камёбдир.

***Олимжон ТОЖИБОЕВ,***
***ТАТУнинг 3-босқич талабаси***

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти соҳани ривожлантириш, илмий йўналишларда олиб борилаётган изланишлар натижаларига кўра амалда синаб кўрилган ва соҳа учун фойдали бўлган янгиликларни, илғор технологияларни жорий этиш борасида қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

# Соҳани ривожлантириш йўлида

**Тараққиёт туфайли** бугун узоқ масофаларга узлуксиз ахборот узатиш имконига эгамиз. Айнан алоқа соҳасини ривожлантиришда ишлаб турган ва янги жорий қилинаётган коммуникация технологиялари билан турли даврларда ишлаб чиқарилган ускуналарни ўзаро бирлаштириш жараёнида айрим блок, узел, уловчи линия ва шу тизимда ишлайдиган бошқа қурилмаларни рационализация қилишга жойларда эҳтиёж туғилади. Мазкур эҳтиёжни қондириш мақсадида алоқа корхоналарининг техник-муҳандислари доимий равишда тармоқ ва узелларга янгиликлар киритиб турадилар. Уларнинг ўтган йилларда, айниқса 2004 йил мобайнида қилган ишлари салмоқли бўлиб, кўп миллион сўмлик фойда келтирди.

Аҳолига юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун ўтган йили Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтироси» бўйича республика танловини ўтказган эди. Ушбу танловга соҳа мутахассислари томонидан ҳам иқтисодий, ҳам техник жиҳатдан юқори савияга эга бўлган 21та рационализаторлик таклиф ва ихтиро тақдим этилди.

Айтиш жоизки, танловга тақдим этилаётган рационализаторлик таклифлари охирги етти йил мобайнида техник-муҳандис ходимлар томонидан илмий-техник фикрларнинг фаоллашишига туртки берди. Йил сайин танловларда қатнашувчилар сони кўпайиши мутахассисларнинг ички имкониятларини соҳа тараққиёти сари йўналтиришга тўғри йўл танлаганидан далолат бермоқда.

Танловга тақдим этилган таклифлар ҳам танлов комиссияси томонидан баҳоланиб, синчковлик билан танлаб олинди ва қуйидаги олтита рационализаторлик таклифи юқори ўринларга лойиқ деб топилди:

**Битта биринчи ўрин:**

- «Дебиторлик қарзлари бўлган абонент телефон рақамларини ўз вақтида ўчириш ва оператив равишда ёқиш дастури билан таъминлаш" бўйича «ЎзИ-Жиззах» филиали муҳандиси Ж.Муродов ва бўлим бошлиғи Қ.Қурбоновлар (300 минг сўм пул мукофоти);

**Иккита иккинчи ўрин:**

- «Алкател» электрон станциясини дастурий мослама билан шахсий компютер орқали туташтирувчи қурилмани яратиш" бўйича «Ўзбектелеком» АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" ("ТШТТ") филиалининг Ахборот ҳисоблаш маркази (АҲМ) бош мутахассиси А.Асатуллаев, бош муҳандис А.Гришенцевлар;
- "МРУ турдаги коммутаторларни АХЕ-10 станцияси билан туташтирувчи мосламаси" учун Шаҳарлараро автоматик телефон станцияси (ШАТС) 2-тоифали муҳандиси А.Романов, "Тошкент телефон-телеграф станцияси" ("ТошТТС") филиалининг рақамли узатиш тармоғи (РУТ) бошлиғи ўринбосари В.Гринколар (200 минг сўмдан пул мукофоти);

**Учта учинчи ўрин:**

- «Шаҳарлараро алоқага чиқиш учун автоматик уланиш ва узиб қўйилиши, ташкилотларнинг дебиторлик қарздорлиги учун узиб қўйиш ва улаш дастури билан таъминлаш" бўйича "ЎзИ-Жиззах" филиали 6- ШАТС/АТС бошлиғи В.Исмоилов;
- «ШАТС автоматик чиқиш учун АТСК 100/2000 ва АЗТС орасидаги мувофиқлаштирувчи комплект" учун «Андижон Телеком» филиали ишлаб чиқариш-ҳисоблаш линияси (ИҲЛ) бошлиғи К.Аҳмедов;
- «Автоматик коммутация тармоғини компютер билан туташтирувчи қурилма"га «Ўзбектелеком» АК "ТШТТ" филиалининг АҲМ бош муҳандиси А.Морозовларга (100 минг сўмдан пул мукофоти) берилди.

Барча рационализаторлик таклифлари муаллифларини табриклаб, иш фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз ва улардан янгидан-янги таклиф ҳамда ихтироларни кутиб қоламиз.

*Зулайҳо ОРТИҚОВА,*
*Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти раисининг ўринбосари*

## Новости в сфере ИКТ

НОВЫЕ ТЕЛЕФОНЫ

### Ароматизированный телефон

**После провала** с необычной, но печально известной линейкой Xelibri в прошлом году, компания снова выступила с предложением для дам, представив в Париже новый телефон Siemens CL75.

Преподнесенный как первый мобильный телефон, спроектированный женщинами для женщин, он обладает сглаженными формами, а в дизайне используются цветочные мотивы. Вес телефона всего 90 грамм, однако, несмотря на свою миниатюрность и визуальную хрупкость, он оснащен большим дисплеем, который поддерживает передачу 262 000 оттенков. Дисплей также может служить карманным зеркальцем, чтобы женщина могла осмотреть свой макияж в дороге.

Siemens серьезно поработал и над «начинкой» телефона, оснастив трубку встроенной цифровой камерой, 11 мегабайтами памяти, поддержкой технологии Push and Talk и IM.

Чтобы подчеркнуть утонченность и женственность телефона, Siemens доверил Ройя Дав (Roja Dove), одному из известнейших парфюмеров мира, разработку уникального аромата для новинки. Подобранное Ройя сочетание лимона, лаванды, сандалового дерева, герани и ромашки усиливает впечатление от утонченного дизайна CL75.

Ожидается, что телефон поступит в продажу летом этого года, однако детали пока не сообщаются.

### Интерактивный телефон

**Корейская компания Pantech&Curitel** представила телефон PH-S6000, построенный с применением интерактивной мобильной технологии следующего поколения. Аппарат является одним из первых мобильных телефонов, в котором реализована так называемая технология «1 мм», разработанная компанией SK Telecom. Она позволяет абонентам получать доступ к различного рода услугам, таким как отправка сообщений и игры с интерактивными персонажами, появляющимися на дисплее.



Кроме этого, данная модель наделена рядом других функций, среди которых — камера, AAC (advanced audio coding) камкордер и поддержка технологии GIGA (graphic instruction graphic acceleration). В дополнение к этому новинка поддерживает игровую технологию Bluetooth 3D. Имеется встроенная память емкостью 10 МБ. ЖК-дисплей обладает размерами 320x240 точек и отображает 262 тыс. цветов.

Вес модели — 116 граммов, размеры — 99,7x48,4x23,1 мм. Телефон появится на рынке в мае. О цене пока не сообщается.

ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ

### Червь Nopir-B не любит музыку

**Новый вирус Nopir-B** был обнаружен в европейском сегменте интернета специалистами антивирусной компании AhnLab. Он распространяется через файлообменные (пиринговые) сети в виде исполняемого файла.

Получив управление на зараженном компьютере, вирус удаляет с него все файлы формата MP3 и блокирует доступ к администрированию системы. Визуально Nopir-B проявляется при выводе на экран французского флага. Чтобы возобновить доступ к системе, ее приходится переустанавливать заново.

### Школьные каникулы – «черные дни» для интернета

**С наступлением** школьных каникул количество атак на корпоративные и правительственные сайты в интернете резко растет, подсчитали исследователи из британского агентства Zone-H.

В свободное от уроков время школьники садятся за компьютеры и «заходят» в интернет, где занимаются играми, а также выражают свое отношение к происходящим в мире событиям. «Многие 15–16 летние подростки достаточно умны, чтобы обладать устойчивыми политическими убеждениями», — говорит основатель Zone-H Роберто Притони (Roberto Preatoni). Это выливается в «обезличивание» (deface) главных страниц сайтов политических организаций. Главная цель — военные США, на веб-страницах которых свои мнения размещают противники войны в Ираке. Транснациональные корпорации и правительственные организации страдают от юных антиглобалистов.

«Для выражения своих политических пристрастий при помощи электронного граффити не нужно быть высококвалифицированным хакером, так как инструментов для взлома в Сети предостаточно», — утверждает г-н Притони.

*Независимо от времени года и расписания школьников, интернет стали атаковать заметно чаще. По подсчетам экспертов Zone-H, в 2004 году было зафиксировано 400 тысяч нападений, что на 36% больше, чем в 2003-м, сообщил* Reuters.

### Эпоха почтовых вирусов близится к закату

**Их место займут** трояны и другие шпионские программы. По словам директора компании Websense Security Labs Дэна Хаббарда (Dan Hubbard), количество вирусов, распространяющихся с помощью электронной почты, демонстрирует устойчивую тенденцию к сокращению и, по всей видимости, будет сокращаться еще довольно долго. Один из руководителей другой антивирусной компании – Trend Micro – Дэвид Перри (David Perry) объясняет этот процесс тем, что у каждого вида вредоносных программ есть свой цикл жизни, называемый «эпохой» и эпохе почтовых вирусов приходит конец, пишет Silicon.com.




Это, впрочем, не означает, что теперь пользователи интернета смогут дышать свободно: в ближайшее время на смену вирусам придут шпионские программы, с помощью которых разнообразные мошенники попытаются заработать свой миллион. Пока не появится что-нибудь еще.

*По материалам Интернет*

# Кўнгилларга қувонч улашиб...

***Қариндош-уруғларингиз ёки таниш-билишларингиздан бир энлик хат олдингиз дейлик. Ёки чаққонгина хабарчи ҳозиргина қўлингизга тутқазиб кетган газета-журналга кўз югуртиряпсиз. Табиийки, кўзингизда қувонч порлайди, қалбингиз яйрайди. Сизга хушкайфият ҳадя этиб, бардамлик ва омонлик тилаганларга, борди-ю, нафақада бўлсангиз, пенсия пулингизни ўз вақтида етказган кишиларга чин дилдан "Раҳмат" дегингиз, уларга ўз миннатдорчилигингизни билдиргингиз келади. Ана шундай кезларда алоқа соҳаси ходимларининг ўзлари ҳам ҳамюртлари оғирини енгил, узоғини яқин қилаётганликларидан мамнун бўлган ҳолда, дунёда улар учун бундан ортиқ бахт йўқлигини қалбан ҳис этсалар керак.***

**Аминжон Муродов** Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ)нинг автоматлаштирилган электралоқа факултетини 1981 йилда тугатган. Ўтган давр ичида у ўз соҳаси бўйича турли вазифаларда ишлади. Мана, 13 йилдирки, Қоракўл тумани почта алоқаси тармоғига бошчилик қилиб келмоқда. Ушбу меҳнат жамоасида 60 нафар киши ишлайди. Уларнинг 12 нафари аёллардир. Жамоада кўп йиллик иш стажига эга бўлган малакали муҳандис-иқтисодчи Вера Смагина, катта йўриқчи Нина Қурбонқиличева, "Жиғачи" ва "Регидор" алоқа бўлимларининг бошлиқлари Иброҳим Жабборов, Саъдулла Ғаффоровларнинг номларини қоракўлликлар ҳурмат билан тилга оладилар. Негаки, бу инсонлар юртдошлари қувонч-дардига шерик бўлишни, энг муҳими, ўзларига ишониб топширилган ишни бекаму кўст, ҳалол, виждонан ва ўз вақтида бажаришни қалб амри деб биладилар. Улар том маънода туман почта алоқа тармоғининг фахридирлар.

Жонкуярлик ва изчил фаолият ҳукм сурган жойда ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришилиши турган гап. Ўтган 2004 йилда туман почта алоқа тармоғи бўйича асосий хизмат турлари режа-топшириқларининг ортиғи билан бажарилганлиги аҳил жамоа бир тан, бир жон бўлиб фаолият олиб бораётганлиги самарасидир. Шунингдек, бу ерда қўшимча хизмат турларидан олинаётган даромад ҳам ой сайин кўпайиб боряпти. Жорий йилнинг дастлабки уч ойида тариф даромадлари бўйича кўзда тутилган 13 миллион 567 минг сўмлик ўрнига 15 миллион 442 минг сўмлик иш бажарилганлиги ҳам почта хизмати жонкуярларининг ҳар дақиқадан унумли фойдаланаётганликларини кўрсатиб турибди.

Хат ташувчилик — сермашаққат касб. Ёз жазирамасида ҳам, қиш чилласида ҳам йўлга тушишга тўғри келади. Ана шундай мураккаб, аммо шарафли касбни эъзозлаб келаётганлар сафида Қоракўл шаҳри, шунингдек, Гўжали ва Қувача алоқа бўлимларида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб, кўнгилларга қувонч улашаётган Мавлон Ражабов, Ҳазрат Зоиров, Набижон Ёқубов сингарилар бор.

Туман почта алоқа тармоғида ҳар кеча-кундузда кўплаб хат-хабар сараланиб эгаларига етказилади. Кундалик матбуот нашрлари, пенсия ва нафақа пулларини тарқатишда ҳам тармоқ ходимлари фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли аҳолидан коммунал хизмати тўловларининг қабул қилиб олинаётганлиги, алоқа тармоғи биносида эса бевосита телефон хизмати кўрсатишнинг йўлга қўйилганлиги ҳам қоракўлликлар ва шаҳар меҳмонлари учун айни муддао бўлди.

Бир сўз билан айтганда, одамлар туман почта алоқа тармоғи хизматидан ҳамиша қониқишлари учун қоракўллик соҳа ходимлари барча имкониятлардан фойдаланишмоқда. Уларнинг эзгу мақсад йўлидаги фидокорона ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

***Асқар ИСТАМОВ***
***Бухоро вилояти***

MINNATDORCHILIK MAKTUBI

# Қўлингиз дард кўрмасин

*__Бизнинг__ тоғ олди Сўх туманимизда кечаю кундуз халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида меҳнат қилаётган шифокорлар кўп.*

*Мен яқинда туманимиз марказий шифохонасида даволаниб чиқдим. Севимли "Xabar" газетаси орқали қўли енгил шифокорлар — Услидин Бобомаҳрамов, Меҳрибон Болтаев, Ваҳобжон Болтабоевларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уларнинг ёрдами туфайли дарддан халос бўлдим. Яна ўз касбдошларим сафига қайтдим.*

*Одамлар хизматига камарбаста бўлаётган меҳрибон шифокорларимизга омад тилайман. Қўлингиз асло дард кўрмасин, азизлар.*

***Асқарбек АНБАРЖОНОВ,***
***Сўх телекоммуникациялар боғламаси ходими***

SPORT, SPORT, SPORT

# Шижоат ва ёшлик байрами

***Шу йилнинг 24 май куни Чирчиқ шаҳридаги марказий ўйингоҳда "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилояти ҳокими Козим Тўлаганов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мусобақа қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг спорт ўйинлари иштирокчилари қасамёд қабул қилдилар.***

**Давлатимиз мадҳияси** янграб, "Баркамол авлод" спорт ўйинлари машъаласи ёқилди. Машъалани ўсмирлар ва ёшлар ўртасида бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Илҳом Раҳимов ва спорт устаси Диана Мирзараҳмоновалар ёқишди.

"Баркамол авлод-2005" спорт ўйинлари саралаш босқичида 600 мингдан ортиқ ёш спортчи қатнашди. Тошкент вилояти мезбонлик қилаётган ушбу финал босқичида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоаларининг 2170 нафар аъзоси спортнинг 13 тури бўйича кураш олиб бормоқда. Мусобақалар Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи, "Семурғ" оромгоҳи, Тошкент Давлат аграр университети, Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи, "Кимёгар" ва Ғазалкент марказий стадионларида ўтказилмоқда.

Мусобақалар 29 майга қадар давом этади.

# Кубок бутунлай "Ливерпул"да

**Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Отатурк ўйингоҳида УЕФА Чемпионлар лигасининг финал учрашуви бўлиб ўтди.**





***Милан – Ливерпул – 3:3 (пен. 2:3)***
**Голлар:** *Малдини, 1; Креспо, 39; 44 – Жерард, 54; Шмицер, 56; Хаби Алонсо, 60.*

Эллик йиллик тарихга эга ушбу чемпионатда бирор жамоа "Ливерпул" сингари қийин вазиятдан чиқиб кета олмаган. Шунинг учун ҳам ушбу ўйин Чемпионлар лигаси тарихидаги энг яхши финал баҳси, деб топилса ажабмас.

Умуман, мазкур учрашувда чиройли голлар, драматизм, ирода, иштиёқ, рекордлар, кўз ёшлар ва қувонч... ҳамма нарсани топиш мумкин эди. "Ливерпул"нинг ғалабасидан сўнг УЕФА Чемпионлар лигаси учун янги Кубок тайёрлаши лозимлиги ҳам маълум бўлди. Чунки Англия жамоаси нуфузли мусобақада ўз тарихида беш бора чемпион бўлиб, Кубокни ўзи билан бутунлай олиб кетди.

Учрашувнинг биринчи бўлими тўлиқ "Милан" устунлигида ўтди. Ҳисоб ҳам бундан далолат беради – 3:0. Лекин иккинчи бўлимда "Ливерпул" умуман бошқа кайфиятда майдонга тушди. Қандайдир олти дақиқада жамоа сардори Стивен Жерарднинг саъй-ҳаракатлари эвазига рақиб дарвозасига учта тўп киритилди ва ҳисоб тенглашди. Шундан сўнг ҳам ўйин сурати юқори даражада давом этди. Кетма-кет ҳужумлар моҳир ҳимоячи ва дарвозабонлар томонидан бартараф этиб турилди. Асосий вақт 3:3 ҳисобида якунига етди. Қўшимча вақтда ҳам шиддатли баҳс давом этсада, ҳисоб ўзгармади. Навбат пеналтилар сериясига етиб келди ва "Ливерпул" дарвозабони Дудек учрашув қаҳрамонига айланди. У 11 метрлик жарима тўпи усталари – Пирло ва Шевченколарнинг зарбаларини қайтаришга муваффақ бўлди.

***Ўз мухбиримиз***

# Табиат қўйнидаги мусобақа

***Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Нурота туманининг "Ёшлик" ўйингоҳида "Навоий Телеком" филиалига қарашли телекоммуникациялар боғламалари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.***

**Унда етти** жамоа олимпия тизими тартибида ғолиблик учун кураш олиб борди.

**Навбаҳор – Хатирчи – 0:3**
**Кармана – Қизилтепа – 2:0**
**Навоий – Конимех – 2:1**
**Кармана – Хатирчи – 0:1**
**Нурота – Навоий – 2:1**
**Навоий – Кармана – 5:1**
**Нурота – Хатирчи – 2:0**

Шундай қилиб, имкониятлардан юз фоиз фойдаланган Нурота телекоммуникациялар боғламаси жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўриндан Хатирчи жамоаси жой олган бўлса, Навоий шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиб жамоаларга вилоят бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг "Фахрий ёрлиғи" ва "Навоий Телеком" филиалининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича Конимех ТТБ жамоаси аъзоси Х.Кунисев "Энг яхши тўпурар", Навбаҳор ТТБ вакили И.Санақулов "Энг яхши ҳужумчи", Кармана ТТБ вакили У.Тўхтаев "Энг яхши ҳимоячи", Қизилтепа ТТБ вакили К.Тоғаев "Энг моҳир дарвозабон" ҳамда Нурота ТТБ бошлиғи А.Боқиев "Ташкилотчи раҳбар", деб топилди.



— Мусобақанинг Нурота туманида ташкил қилингани бежиз эмас, — дейди вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаббат Норкулова. – Тоза ҳаво ва ажойиб табиат қўйнида мусобақа иштирокчилари мириқиб тўп суришди. Ушбу тадбирни ташкил этишда яқиндан ёрдам берган "Навоий Телеком" филиали директори Бозорали Тунгишбоевга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

***Муножот ДОВУЛОВА,***
***"Навоий Телеком" филиали***
***спорт инструктори***

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Aloqa Print" МЧЖ бош директори Ойбек Норметовга волидаи муҳтарамаси

**ЗУҲРА ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Коллектив ТУИТ выражает глубокое соболезнование заведующей лаборатории УВЦ Л.Архангельской в связи с кончиной её отца

**БЕЛЕВИЧА Ивана Михайловича**

SIZ KUTGAN UCHRASHUV

# Тошпўлат МАТКАРИМОВ:
# Замон билан ҳамнафас яшаш керак



**Ўзбек қўшиқчилиги ҳақида гап кетганда кўпчилик санъатимизга турфа оҳанглар кириб келиб, қўшиқчилигимиз ўз кўринишини ўзгартиряпти, бу кетишда миллий мусиқамиз йўқолиб кетиши мумкин, деган фикрни билдирмоқда.**

**Ҳақиқатан ҳам шундайми? Келинг, мана шу "қозонда қайнаётган" санъаткорлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат МАТКАРИМОВнинг бу борадаги фикрлари билан танишайлик.**

***— Тошпўлат ака, ўзбек эстрадасининг бугунги аҳволи ҳақида нима дея оласиз? Сизнингча, эстрадамиз шаънига айтилаётган салбий фикрлар нечоғлиқ асосли?***

— Четдан туриб кузатиш ва бирор бир сўз айтиш, албатта, осон. Масалан, мен спортчи эмасман, лекин баъзан қайсидир спортчининг хатосини кўриб, «Э, унақа қилиш керак эмас эди, мана бундоқ қилганда ғалабага эришарди», деб айтавераман. Ўша спортчи ҳам билади нима қилишни, аммо ўша вазиятда шу иш бўлиб қолгани учун у айбдор эмаску.

Айтмоқчиманки, қўшиқ ёзиш машаққати, меҳнати, ижоднинг ўзига хос қирраларини ҳис қилмай туриб дарров салбий фикр билдиришга ўтмаслигимиз керак.

Тўғри, ҳозир ўзбек эстрадасига, хонандаларига ҳар томонлама тош отилмоқда. Аммо, бир ўйлаб кўрайлик, ўша хонандаларнинг тингловчиси йўқми? Ёмон қўшиқ куйлаётган хонандани биров тўйга таклиф қилмаяптими? Қанча қўшиқчи бўлса, ўзига яраша мухлиси борку!

Мустақилликдан кейин хилма-хил оҳанглар ва йўналишлар кириб келишининг сабаби нимада? Чунки одамлар бирхилликдан безиб қолган ва уларга бирор бир янгилик керак эди. Янгилик эса, биласиз, яхшими-ёмонми доимо кутиб олинади. Мусиқа соҳасида ҳам шундай бўлди.

***— Сиз айтган ўша янгиликнинг миллий санъатимизга салбий таъсири йўқми?***

— Йўқ. Миллий мусиқамиз доимо дахлсиз бўлиб қолади. Чунки у йиллар оша яшаб келаётган санъат. Бизнинг мақомларимиз, мумтоз санъатимиз ҳеч қачон бошқа миллат санъатига аралашиб кетмайди. У соф ҳолича тураверади. Чунки унинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги бор.

***— Яхшиси эстрада, яъни Ботир Зокиров асос солган ўзбек эстрадаси ҳақида гаплашайлик. Назаримда, ҳозир унинг аҳволи ўта оғирдек.***

— Сиз яна юқоридаги мавзуга қайтяпсиз. Ҳаммага ўхшаб фикр юритяпсиз. Сизда ҳам «Ҳозирги қўшиқчилар «ўғри», улар бирор бир ҳинд ёки турк мусиқасини олиб, сўзларини ўзбекчалаштириб қўшиқ ясаяпти», деган фикр борга ўхшаяпти.

Биласизми, кимдир ниманидир излаяпти, яна кимлардир қандай йўлда бўлса ҳам ўз услубини топиб олди. Масалан, Тоҳир Содиқовни олайлик. У ўзбек эстрадасига янгича руҳ олиб кирганди ва бу яхши кутиб олинган эди. Кейин унинг издошлари кўпайди. Ёки Анвар Санаев. Унинг ҳам ўзига яраша мухлислари бор.

Сиз ўта оғир аҳволда деб нимани назарда тутдингиз билмадиму, аммо эстрада қўшиқчилари изланяпти, изланяпти, изланяпти.

***— Мана, ўзингиз ҳам янгича услубда ижод қилишни бошладингиз. Авваллари лирик хонанда сифатида мухлис йиға олган эдингиз, энди эса этно-поп йўналишида, яъни ҳам жаҳон эстрадаси оҳанглари, ҳам халқ оҳанглари қўшилувидан ҳосил бўлган мусиқадан фойдаланяпсиз? Бу сизга нима учун керак бўлиб қолди?***

— Ижодкор — у шоир бўладими, ёзувчими, рассомми ўзининг турли қирраларини очишга ҳаракат қилиши керак. Бу унинг ижодий юксалишига катта йўл очади. Хонанда ҳам ижодкор, у ҳам бир жойда туриб қолиши керак эмас. Замон билан ҳамнафас яшаши керак.

Яширмайман, ҳозир халқимиз биз қўшиқчилардан худди шундай ижроларни кутяпти. Шунинг учун бу йўналишда ҳам ўзимни синаб кўришга қарор қилдим.

***— Сиз шу йўналишда ўз қобилиятингизни синаб кўрсангиз, яна кимдир яна бошқа бир усулда ўз ижодини мухлисга етказмоқчи бўлса, бундан мухлис азият чекмайдими? Айтмоқчиманки, турли оҳанглар, мусиқалар, хонишлардан тингловчи зада бўлиб кетмайдими?***

— Фикрингизга қўшилмайман. Чунки мени тинглайдиган одам бошқа бир хонанда қўшиқларининг ҳаммасини ҳам эшита олмайди. Ёки «Зеро», «Фазо» каби гуруҳларнинг ашаддий мухлислари бизнинг ёшимиздаги хонандаларнинг ижодига кўп ҳам мурожаат қилавермайди. Турфа қўшиқлар орасидан мухлис ўзига ёққанини танлаб, тинглайверади.

***— Айни кунларда қўшиқчилар орасида «Қўшиқчи китоб ўқимаса ҳам бўлаверади, у ашула айтишни билса бўлди-да», дейдиганлар кўпайиб кетди.***

— Балки бир-иккита хонанда шундай фикрлар. Аммо, бу билан ҳамма шундай экан, деган хаёлга бориш нотўғри.

Китоб қанчалик кўп ўқилса, шунчалик кўп билим берадиган энг яқин маслаҳатгўй. Қачонки биз ўқимай қўйсак, фикрлашдан ҳам тўхтаймиз, деган экан бир файласуф. Шунинг учун китоб билан ошно бўлиш керак. Тўғри, ҳозирги кунда Интернет, телевизор, радио каби ахборот олиш манбалари кўпайди, лекин одамнинг ақлини тўлдиришда ҳеч бири китобга етмайди.

***— Сўнгги пайтларда ўзингиз қандай китобларни мутолаа қилдингиз?***

— Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саййид, Усмон Азим, раҳматли Муҳаммад Юсуф каби шоирларнинг китобларини доимо ўқиб бораман. Ва уларнинг шеърларидаги фалсафани тушунишга ҳаракат қиламан.

Сўнгги бор «Бўстон-ул орифин» номли китобни ўқидим. Бу китобда баён этилган турли масалалар мени ҳайратда қолдирди.

***— Яхши қўшиқ яратиш учун кўпроқ маблағ керак бўладими ёки истеъдод?***

— Албатта истеъдод. Яхши қўшиқ бастакор, шоир, хонанда учлигининг самарали ҳамкорлиги натижасида пайдо бўлади. Истеъдодли бастакор яхши куй ёзиб берса, истеъдодли шоир яхши шеър тортиқ қилса ва истеъдодли, ширали овози бор хонанда уни маромига етказиб ижро этса ана шунда яхши қўшиқ дунёга келади.

Тўғри, айни кунларда маблағ ҳам баъзи нарсаларни ҳал қиляпти. Овози ва истеъдоди бўлмаганлар ҳам маблағи ҳисобига қўшиқ куйлаяпти. Аммо, уларни яхши дейиш қийин.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.***

*Шарифа МАДРАҲИМОВА суҳбатлашди*



# Донолар яхшилик ҳақида

*Яхшининг юзи жаннатдур, ани кўрмак ғаниматдир.*

***

*Яхшиликдан ёмонликни яхшироқ билмасанг, яхшиларга қўшул,*
*Яхшилик теграсига эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул.*

Юсуф Хос ҲОЖИБ

*Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,*
*Гулларга гул бўлгин, тиконга тикон.*

Саъдий ШЕРОЗИЙ

*Яхшиликдан нима ёмонлик кўрдингки, яхшилик қилмайсан?*
*Ёмонликдан не яхшилик кўрдингки, ёмонлик қилгайсан?*

Аҳмад ЯССАВИЙ

*Ҳар кимдаки бўлса яхши табиат,*
*Одамийлик юксак унда ниҳоят.*
*Яхшиликдир яхши ишлар пояси,*
*Яхшиликдир гўзалликнинг мояси.*

Хусрав ДЕҲЛАВИЙ

*Кимки бўлса, хушчиро-ю хулқилик,*
*Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.*
*Яхшилик тухми саодатлар берур,*
*Гар тикан эксанг, оёғингга кирур.*

Заҳириддин БОБУР

ENG, ENG, ENG...

## ЭНГ ҚИММАТ АВТОМОБИЛ

**Американинг Super Cars журнали** дунёнинг қиммат автомобиллари рўйхатини эълон қилди. Журналда ёзилишича, 1994 йилда Германиядаги Porsche компанияси томонидан бор-йўғи беш дона ишлаб чиқарилган Schuppan 962CR модели энг қиммат автомобил ҳисобланаркан.

Қиммат автоуловлар ўнлиги:

1. *$2 500 000 1994 Porsche Schuppan 962CR*
2. *$1 547 000 1998 Mercedes-Benz CLK GTR*
3. *$1 250 000 1995 McLaren F1 LM*
4. *$1 029 455 1991 Koenig C62*
5. *$1 000 000 1993 Ferrari 333 SP*
6. *$1 000 000 1998 Nissan R390 GT1*
7. *$1 000 000 1996 Porsche 911 GT1*
8. *$1 000 000 1992 Porsche DP 962*
9. *$ 960 165 1990 Jaguar XJR-15*
10. *$ 890 000 1997 McLaren F1*

BU — QIZIQ!

## "СОЧЛИ" ТОШ!



**Хитойлик олимлар** бундан бир неча йил олдин шу мамлакатда топилган сирли тош устида тадқиқот олиб боришмоқда. Катталиги 15-20 сантиметр келадиган бу тошнинг ғаройиблиги шундаки, у узун оқ сочлар билан қопланган бўлиб, бунинг сабаби номаълумлигича қолмоқда.

Хитой Фанлар академияси қошидаги Океанология институти олимларининг сўзларига қараганда тошнинг "сочлари" аслида унга ёпишиб ўсган денгиз ўтлари эмиш.

## Табриклаймиз!

***"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Чимбой почта алоқа тармоғи жамоаси корхона бош ҳисобчиси Жамол ҚАЙПОВни 50 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандлари бахт-саодатини кўришини ҳамда ишларида ривож тилайди.***

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал —* Ⓣ.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манзилимиз: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

458-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 7991 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.
Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топшириш вақти — 20.00.